



2016 йил 30 декабр

№ 70/V-22

Ангор тумани

Ангор туманининг 2016 йилги маҳаллий бюджети ижроси ва 2017 йил
маҳаллий бюджети асосий кўрсаткичлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 28 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги 618-III-сонли ва шу ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 13 декабрдаги СҚ-122-III-сонли ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг 2016 йил 28 декабрдаги “Сурхондарё вилоятининг 2016 йилги маҳаллий бюджети ижроси ва 2017 йил маҳаллий бюджети асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги 76/5-13-сонли қарорларига асосан халқ депутатлари Ангор туман Кенгаши қарор қилади:

1. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг 2016 йил 28 декабрдаги “Сурхондарё вилоятининг 2016 йилги маҳаллий бюджети ижроси ва 2017 йил маҳаллий бюджети асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги 76/5-13-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Ангор туман бўйича 2017 йил маҳаллий бюджет даромадларининг режа кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ, маҳаллий бюджетинг асосий кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ангор тумани хокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари (А.Раҳматов), туман Давлат солиқ инспекцияси (Ф.Қурбонов) ва Молия бўлими (Қ.Хўжақулов) туман маҳаллий бюджети даромадлар қисмини солиқ турлари бўйича белгиланган режаларини ошириб бажарилишини таъминласин.
4. Ангор туман хокимлиги молия бўлими (Қ.Хўжақулов)га:
2017 йилнинг «Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши муносабати билан вилоят маҳаллий бюджетининг 2017 йил давомида маҳаллий бюджет харажатларини мақбуллаштириш натижасида шаклланадиган қўшимча манбалар ҳисобидан туманни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур тузатишлар киритиб бориш;
бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан маблағ билан таъминланиш асослари мавжудлигини мунтазам таҳлил қилиб бориш ҳамда бюджет маблағларидан сақланиш асослари мавжуд бўлмаган ҳамда ажратилган бюджет маблағларининг натижадорлигига эришилмаётган бюджет муассасаларини қисқартириш юзасидан вилоят хокимлигига ва тегишли вилоятл бошқармаларига мунтазам равишда таклиф киритиш;

ғазначилик органлари билан биргаликда бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши ва уларнинг асосиз сарфланишини бартараф этиш устидан қатъий назорат ўрнатиш.

Халқ депутатлари Ангор тумани Кенгашига маҳаллий бюджетнинг ижроси тўғрисида ҳар чоракда ахборот бериб бориш вазифаси юклатилсин.

5. Ангор туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари (А.Рахматов) тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда бюджет даромадларининг тасдиқланган кўрсаткичлари бажарилиши, минтақаларнинг солиқ солиш базаси кенгайтирилиши ва молиявий салоҳияти мустаҳкамланиши юзасидан зарурий чора-тадбирлар кўрсинлар, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Ангор туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси (Ш.Шоназаров) га юклатилсин.

7. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

Сессия раиси:



Н.Кунгуров

Халк депутатлари Ангор туман
Кенгашининг 2016 йил 30 декабрдаги
90/V-22 -сонли қарорига 1-илова

Ангор тумани маҳаллий бюджети даромадларининг 2017 йилги режа кўрсаткичлари

Даромад турлари		Миқдори (минг сўм)
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	305 947,0
2	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	1 552 403,0
3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар бўйича	2 363 956,0
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	5 933 786,0
5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган катъий белгиланган даромад солиғи	4 772 612,0
6	Қўшилган қиймат солиғи	1 375 828,0
7	Ақшиз солиғи, жами	0,0
	шу жумладан:	
	- арок	
	- табиий вино	
	- бошқа винолар	
	- пиво	
	- дизел ёқилғиси	
	- чакана савдо тармоғида сотилаётган, олтиндан тайёрланган заргарлик буюмлари	
	- ўсимлик (пахта) ёғи	
8	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	311 276,0
9	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	2 297 488,0
10	Ер солиғи (ягона ер солиғидан ташқари)	2 568 528,0
11	Ягона ер солиғи	684 756,0
12	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	0,0
13	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	22 579,0
14	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	51 698,0
15	Давлат божии	1 137 038,0
16	Жарималар	1 913 628,0
17	ЎЗР ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	68 856,0
18	Бозорлар даромадидан тушум	426 832,0
19	Маҳаллий йиғимлар	144 264,0
20	Транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси ва газ истеъмол қилганлик учун солиқ	2 694 603,0
21	Бошқа тушумлар	562 252,0
ЖАМИ		32 399 046,0



Ў. Сулейманов

Халк депутатлари Ангор туман
Кенгашининг 2016 йил 30
декабрдаги

70/V-22 -сонли қарорига
1-иловининг давоми

Ангор тумани маҳаллий бюджети даромадларининг 2017 йилги режа кўрсаткичлари

Даромад турлари		Маҳаллий Миқдори (минг сўм)
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	305 947,0
2	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	1 552 403,0
3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар бўйича	1 418 374,0
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	3 560 272,0
5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	4 772 612,0
6	Кўпирилган қиймат солиғи	825 497,0
7	Акциз солиғи, жами	0,0
	<i>шу жумладан:</i>	0,0
	- арок	0,0
	- табиий вино	0,0
	- бошқа винолар	0,0
	- пиво	0,0
	- дизел ёқилғиси	0,0
	- чакана савдо тармоғида сотилаётган, олтиндан тайёрланган заргарлик буюмлари	0,0
	- ўсимлик (пахта) ёғи	0,0
8	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	311 276,0
9	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	2 297 488,0
10	Ер солиғи (ягона ер солиғидан ташқари)	2 568 528,0
11	Ягона ер солиғи	684 756,0
12	Ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ	0,0
13	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	22 579,0
14	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	51 698,0
15	Давлат божи	1 137 038,0
16	Жарималар	1 913 628,0
17	ЎзР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг худудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	68 856,0
18	Бозорлар даромадидан тушум	426 832,0
19	Маҳаллий йиғимлар	144 264,0
20	Транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси ва газ истеъмол қилганлик учун солиқ	2 694 603,0
21	Бошқа тушумлар	545 820,0
	ЖАМИ	25 302 469,0




Султанов

Халк депутатлари Ангор туман Кенгашининг
2016 йил 30 декабрдаги
70/У-22 -сонли қарорига 2-илова

Ангор тумани маҳаллий бюджетининг 2016 йилги асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар		Миқдори (минг сўм)
1.	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар – жами	64 815 383,0
	жумладан:	58 509 485,0
1.1	Маориф	
	- умумий таълим	34 951 148,0
	- кадрлар тайёрлаш	34 951 148,0
1.2	Соғлиқни сақлаш	0,0
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	17 105 182,0
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	194 864,0
	- Спорт	192 422,0
1.4	Фан	2 442,0
1.5	Ижтимоий таъминот	72 526,0
1.6	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафакалар	12 418,0
	- вояга етмаган болалари бор оилаларга нафака	6 142 989,0
	- болалари 2 ёшга тўлгунча оналарга тўланадиган нафака	
	- кам даромадли оилаларга бериладиган моддий ёрдам	
1.7	Аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар нархидаги фарқни қоплашга дотация	
	- иссиқлик энергияси нархидаги фарқни қоплаш	
1.8	Чернобиль фалокатини бартараф этишда қатнашганларни ижтимоий химоялаш	
1.9	Давлат мукофотларини тўлаш бўйича харажатлар	
1.10	Ижтимоий кўникма марказлари	0,0
1.11	1991 йилгача қурилган уйларни капитал таъмирлаш (боб 110. §62, модда 04 5 00)	30 359,0
1.12	Иситиш қозонхоналари ва коммунал хўжалиқнинг иситиш тизимларини капитал таъмирлаш (боб 110. §66, модда 04 4 00)	0,0
1.13	Имтиёзли контингентдаги кишиларни бепул ташигандлик учун троллейбус хўжалигининг зарарини қоплаш	
1.14	Шаҳар пассажир транспортида баъзи категориядаги кишиларнинг бепул юришларини бюджетдан қоплаш	
2.	Иқтисодий соҳага харажатлар	
	жумладан:	3 255 576,0
	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	
	Ободонлаштириш	401 134,0
	Коммундренаж	2 854 442,0
3.	Келишилди	0,0
4.	Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаш	0,0
	Давлат бошқарув идоралари	830 582,0
5.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш	830 582,0
6.	Захира жамғармаси	2 219 740,0
7.	Бошқа харажатлар	0,0
	жумладан:	0,0
7.1	Мудофаа мажмуи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган харажатлари	0,0
7.2	Расмий меҳмонлар қабуллар уйи	0,0

 *Ш. Сулейманов*